



Банкнинг ички меъёрий ҳужжати

**«Hamkorbank» чет эл капитали иштирокидаги акциядорлик -
тижорат банкнинг бошқаруви тўғрисидаги Низомга 1-сонли
ўзгартириш ва қўшимчалар**

Рўйхат рақами:

24-1/1-1 КБА

Рўйхатга олинган сана:

28.06.2022

Қабул қилган банк бошқарув органи:

Акциядорлар умумий йиғилиши

Қабул қилган ҳужжат:

Акциядорлар умумий йиғилишининг

2022 йил 24 июндаги қарори

Андижон – 2022- йил

«УТВЕРЖЕНО»
Общим собранием акционеров
АКБ «Hamkorbank»
от 28 июня 2022 года

Председатель собрания

И.И.Ибрагимов



ИЗМЕНЕНИЯ В ПОЛОЖЕНИЕ О ПРАВЛЕНИИ
АКЦИОНЕРНО-КОММЕРЧЕСКОГО БАНКА “НАМКОРБАНК”
С УЧАСТИЕМ ИНОСТРАННОГО КАПИТАЛА

Чэт эл капитали иштирокидаги "Hamkorbank" АТБ
Акциядорлар умумий йиғилишининг 2022 йил
28 июндаги 2021 йил натижаларига
кўра қарорига 7-илова

**"Hamkorbank" АТБ Бошқаруви тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. Низомнинг 6-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Банк Бошқаруви банкнинг молиявий-иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқади, ижро ва бошқарув функцияларини амалга оширади, жумладан Банкнинг таркибий бўлинмалари, банк филиаллари, банк хизматлари офислари ва ваколатхоналари фаолиятини мувофиқлаштиради, ўз ваколатлари доирасида банк фаолиятининг энг муҳим масалалари бўйича қарорлар қабул қилади..

**2. Низомнинг 10-банди қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан
тўлдирилсин:**

“- банк хизматлари офислари ва бошқа алоҳида бўлинмалар очиш ҳамда уларнинг раҳбарлик фаолиятига доир масалаларни ҳал қилиш.”

3. Низомнинг 20 банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Банк Бошқаруви ва унинг аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазкур Уставда ҳамда уларнинг ҳар бири билан уч йил муддатга тузиладиган шартномада белгиланади. Шартнома банк номидан Кенгаш раиси томонидан имзоланади. Банк Бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари, аъзолари билан тузиладиган шартномада уларнинг Банк фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда банкнинг йиллик бизнес-режаси бажарилишининг аҳволи юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва банк Кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

**4. 22-банддаги “ва Банкнинг тафтиш комиссиясининг (кейинги ўринларда Тафтиш
комиссияси деб юритилади)” жумласи чиқариб юборилсин.**

5. 34-банддаги “ёки Тафтиш комиссияси раиси” сўзлари чиқариб юборилсин.

6. 33, 41-бандлардаги “Тафтиш комиссияси” сўзлари чиқариб юборилсин.


Юридик хизмат ҳуқуқшуноси

Банк корпоратив бошқарув
аппарати раҳбари



А. Комилов

Ғ. Ахмедов



ЮРИДИК ХУЛОСА

**“Hamkorbank” АТБ Бошқаруви тўғрисида”ги Низомга киритилаётган
қўшимча ва ўзгартишлар лойиҳаси юзасидан**

2022 йил 11 май

Андижон шаҳри

Мен, “Hamkorbank” АТБ Юридик хизмати Банк тузилмаларини ҳуқуқий таъминлаш бўлими бошлиғи А.Комилов ушбу куни Корпоратив бошқарув аппарати томонидан тақдим қилинган «Hamkorbank» АТБ Бошқаруви тўғрисида”ги Низомга киритилаётган қўшимча ва ўзгартишлар лойиҳаси билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и м :

Низомга киритилаётган қўшимча ва ўзгартишларнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига 29.10.2021 йилги ЎРҚ-726-сонли ва 14.03.2022 йилги ЎРҚ-759-сонли қонунлар билан киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ташкил қилади.

Низом лойиҳасида амалдаги қонунчилик ва банкнинг ички локал ҳужжатлари талабларига зид келувчи қоидалар аниқланмади.

Юқоридагиларга асосан тақдим этилган лойиҳа юзасидан қуйидагича

ХУЛОСА ҚИЛАМАН:

“Hamkorbank” АТБ Бошқаруви тўғрисида”ги Низомга киритилаётган қўшимча ва ўзгартишлар лойиҳасини банкнинг тегишли йўналишлари билан келишган ҳолда Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартиби муҳокамасига киритиш лозим бўлади.

**Банк тузилмаларини ҳуқуқий
таъминлаш бўлими бошлиғи**



А.Комилов